

Сураинг номланиши

Сураинг аввалидаги «Вал ъаср иннал инсана лафий хусрин» оятида «Вал ъаср» сўзи билан Аллох касам ичгани учун Аср сураси деб номланди. Аср у замондир. Замон у хар турлик ажойботлар, хурсанчилигу хафачилик, соглигу касаллик, ожизлигу хўрликларни ўз ичига олади. Ва яна у замон бўлакларга ажрайди. Яъни йил, ой, кун, соат, дакика ва сониялар.

Ўзидан олдинги сурага муносабати

Аввалги сура, албатта, дунё ишларига машгул бўлиш ва унинг ортидан кувиш ёмон эканини баён килди. Бу сура эса иймон ва солих амалларга машгул бўлиш шарт эканини баён килишни хохлади. Бу нарса якка шахсга ва жамиятга наф беради. У яхшиликка васият килиб, ман этилган ва гунох ишлардан тўхташга ундайди. Хулоса килиб айтадиган бўлсак, Аллох «Сизларни (мол-дунё) тўплаб кўпайтириш(Аллохга тоат-ибодат килишдан) машгул килди», деб айтганидан кейин, такрор-такрор:«Яна бир бор йўк, сизлар яқинда билурсизлар», деб айтиш ила тахдид килиб, мўмин ва кофирларнинг холатини баён этди.

СУРА ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН НАРСАЛАР

Маккада нозил бўлган бу кичик сура, Исломнинг энг катта усул-қоидаси ва инсоният ҳаётидаги дастурни баён этди.

Аллох таоло аср – ўзида ажойботларни мужассам килган ва Ўзининг кудратига ҳамда етук хикматига далолат килувчи замон билан касам ичиб, инсонни тўрт хислатга эга бўлмаса, хасоратда эканини айтди. Ўша хислатлар тўрттадир. 1.Иймон. 2.Солих амал.

3.Бошқаларга хакни тавсия қилиш. 4.Сабр ва матонатга тавсия қилиш.

Сураинг фазилати

Ровийлар зикр этишларича, Амр ибн Осс Мусайламатул каззобнинг хузурига ташриф буюрди. Бу ташриф Расулulloх соллalloху алайхи васаллам Пайгамбар этиб юборилганларидан кейин, Амр Исломга киришларидан аввал бўлган эди. Мусайлама: «Бу муддат ичида биродарингиз учун нима нозил қилинди?», деганида, Амр ибн Осс: «Унинг учун ўзи қиска, аммо етук бир сура нозил қилинди», дедилар. Мусайлама: «У қайси?» деган эди, Амр ибн Осс: «Вал-аср сураси», дедилар.

Мусайлама бироз фикр қилди-да, сўнгра у: «Менга ҳам у каби бир сура нозил қилинди», деди. Амр: «У қанака?» дегандилар, Мусайлама: «Я вабар, я вабар ва иннама анта узнани ва садр ва соирука хуфар нукар», деди.

Маъноси: Эй вабр, эй вабр сенда икки қулоч ва қўқрак бор, холос. Қолган нарсанг чуқурлик ва кемтик холос. Вабр – мушукка ўхшаган жонивордир.

Сўнгра Мусайлама: «Эй Амр! Бу нарсага фикринг қандай?» деганда, Амр: «Аллох номига қасамки, сени ёлгончи эканингни билишимни сен аллақачон билгансан», дедилар.

Имом Табароний Убайдуллох ибн Хафсдан қилган ривоятларида зикр этишларича, Расулulloхнинг (соллalloху алайхи васаллам) саҳобаларидан иккитаси йўлиқиб қолишса, тоинки вал-Аср сурасини бир-бирларига охиригача ўқиб беришмагунча ажралишмас эди. Ўқиб бўлиб кейин бирлари иккинчисига салом беради эди.

Буни Байхакий Абу Хузайфадан (розияллоху анху) ривоят қилганлар. Имом Шофеий: «Агар инсонлар бу сурани тадбир қилишганида мўл-қўл бўлишар эди», дедилар.

Тафсир ва баён

Аср (вакти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Яъни асрга қасамки, аср у – одамлар олдидан ўтиб борадиган замондир. У замонда ибрат ва кеча-қундузнинг алмашиши, зулмат ортидан ёруғлик қелиши ҳамда ходиса ва ҳолатларни ўзгариши бордир. Бу нарсалар ўз-ўзидан буларни яратган Аллох азза ва жалла мавжуд эканига ва яққа эканига ҳамда қомил қудратли Зот эканига далолат қилади. Аллох бу замон ила қасам ичиб айтадики, албатта, инсон ҳасратда, ҳалокатда, қамчиликда, ҳақдан оғанликда, савдода, ҳаракатда ва дунё ишларига шўнгиганликдадир. Лекин Аллох истисно қилганлар ундай эмас. Биз ўша истисно қилганларни қелгуси сатрларда баён қиламиз.

Аллохнинг замон билан қасам ичиши унинг – замоннинг шарафли ва аҳамиятли эканига далолатдир. Шунинг учун Расулulloх соллalloху алайхи васаллам: «Замонни

сўкманглар, чунки Аллох замон(га боглик бўлган барча ишларни килувчиси)дир», дедилар. Бу хадисни Имом Муслим Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят килганлар. Имом Розий айтганларидек, оят танбех учундир. Чунки инсон хасорат ва муваффакиятсизликдадир. Баъзилар айтишди. Асрдан мақсад, аср намози ёки вақтидир. У шарафли ва фазилатли бўлгани учун шундоқдир. Шунинг учун аксар уламолар аср намозини вусто намози дейишган. Бундан дунёни колган умри аср билан шом оралигичадир деган маънога ишора бордир. Демак, инсон фойдали тижоратга машгул бўлиб, хасрат-надоматда колмаслиги керак. Чунки вақт жуда киска. Ўтиб кетган нарсани кўлга киритишнинг эса имкони йўқдир.

Оятдаги инсондан мақсад жинсдир. Бу ердаги лом харфи жинс ломи эканига кўпчилик бир овоздан иттифок килган. Лекин баъзилар инсондаги лом харфи муайян аҳд этилган нарса дейишган. Масалан, Ибн Аббосдан (розияллоху анху) килинган ривоятда келтирилишича, бу зот инсондан Валид ибн Мугийра, Осс ибн Воил ва Асвад ибн Мутталиб каби мушриклар жамоасини ирода килганлар.

Абу Хайён эса: «Аср ва инсон умумлаштирилган жинс исмидир, шунинг учун ундан истисно килиш дуруст», дедилар.

Сўнгра Аллох инсон жинсидаги хасоратда колувчилардан (муваффакият козонганларини) ажратиб;

«Факат иймон келтирган ва яхши амаллар килган, бир-бирларига ҳақ (йўл)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу ҳақ йўлида) сабр-тоқат килишини тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар)», деди.

Яъни инсон хасоратда, йўқотишликда, камчиликда ва хасоратдадир, лекин Аллохга иймон келтириш билан солих амал килишни жамлаганлар ундай эмас. Чунки улар охират учун амал килиб, дунё амаллари уларни машгул этмади. Улар калблари ила иймон келтириб, аъзолари ила амал килишди. Ва яна баъзилари баъзиларини инкор килиш имкони бўлмаган мустаҳкам, субутли ишларга тавсия килувчилар ҳам муваффакият козонган кишилардир. У субутли иш – Аллохга ва унинг тавҳидига иймон келтириб, Аллох шариатда жорий килган нарсаларни бажо келтириб, у ман этган нарсалардан сакланишдир. Ҳақ – у ботилнинг акси. Бажариш лозим бўлган яхшиликларнинг барчасини ўз ичига олади. Ёки ҳақ-тоатларни адо этиб, харом нарсаларни тарк килишдир.

Имом Замахшарий: «Ҳақ – яхшиликларнинг барчаси. Масалан, Аллохнинг тавҳиди ва тоатига бўйин эгиб, китоблари ва элчиларига эргашиб, дунёда соҳид бўлиб охиратга рағбат этишдир», дедилар.

Ва яна Аллохнинг фарзини адо этишда, Аллохга осий бўлиб колишдан ўзини тийишда ва қисмат-балоларга сабр-тоқат этишда бир-бирларини тавсия этганлар ҳам муваффакият козонганлардир.

Сабр-тоатдаги кийинчиликларни, инкор этилган ишларни тўхтатишдаги машаккатларни, мусибат ва қисматдаги балоларни, амру маъруфдаги озорларни ва наҳийи мункарда огирликларни кўтара олишдир.

СУРАДАН ЎРГАНГАНЛАРИМИЗ

Сура куйидаги нарсаларга далолат килади;

1. Инсон агар охират учун яхши ва дуруст амал бажармаса, боринги, улкан бойлик ва мўл-кўл мол-дунё фойда килса ҳам, шак-шубхасиз, хасратдир.

2. Аллох таоло бу ҳукмга кайси аср ёки замонда бўлса ҳам, касам ичмоқда. Чунки унда холат тасарруф бўлиб, ўзгаришига ҳамда замон ўтишига карамасдан ахён-ахёнда зохир бўладиган зиёда хикмати, комил кудрати ва тавҳидига далолат килувчи, яратувчи Зот борлигига далолат килади.

Аср билан касам ичишнинг такдири фукахолар наздида ҳам турлидир.

Имом Молик (рахматуллохи алайх): «Ким бир кишига асрда гаплашмайман деб касам ичса, бир йил гаплашмаслиги юкланади. Чунки, бундай деганлар кўпчиликни ташкил этади. Бу касам асли маъносида кўполлик бўлганига биноандир», дедилар.

Шофеий эса: «Касамга бир соатгача амал килади. Лекин нияти ундай бўлмаса ёки ўзига юкланган фурсатдек тафсир килса, ундай эмас».

3. Аллох таоло каттик ваъидларни ҳукм килди. Чунки инсонларнинг барчасини хасоратда деб ҳукм килди. Лекин тўрт нарсани бажарувчи ёки тўрт сифат ила васф килинганлар эса хасоратда эмасдирлар. У сифатлар: Иймон, Солих амал, Хакга тавсия этиш ва Сабрга ундаш.

Бу шундай нарсага далолат киладики, албатта, нажот куйидаги ишларнинг барчасига тааллуқлидир. Улар иймоннинг олтита бўлаги: 1.Аллохга.2. Фаришталарига. 3.

Китобларга. 4. Элчиларга. 5. Охирги кунига. 6. Казои кадарнинг яхшисию ёмониغا иймон келтиришдир.

Солих амаллар – фарзларни адо этиш, гуноҳдан четланиш, яхшиликларни бажариш, ҳакга тавсия килиш, бир-бирларини мустаҳкам ишга тавсия этиш, бир-бирларини Аллохнинг тавҳидига, Куръонга амал килишга, дин ва насихатга даъват этишга, амру маъруф ва наҳйи мункар килишга ҳамда ўзи учун яхши кўрган нарсасини бошқаларга нисбатан ҳам яхши кўришга ундашдир.

Умар (розияллоху анху): «Мени ўз айбимга йўллаб кўйган кишига Аллох раҳм килсин», дедилар.

Сабрга тавсия килиш – одамлар бир-бирларини Аллохнинг тоатига, гуноҳдан ўзини тўсишга сабр килишига, мусибат ва машаккатлардаги казо-кадарга рози бўлишга ундашдир.

Имом Розий (рахматуллохи алайх): «Оят шу нарсага далолат киладики, албатта, ҳақ оғир нарсадир. Машаккат доим у билан ҳамроҳдир. Шунинг учун тавсия килишни бир-бирига якин килинмоқда», дедилар.